

Қуёш чиққан ҳар бир кунда...

16:35 / 16.02.2018 3995

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: **«Қуёш чиққан ҳар бир кунда одамларнинг ҳар бир бўғими учун садақа лозим. Икки киши ўртасида адолат қилиш ҳам садақадир. Бир кишига улови борасида ёрдам бериб, уни миндириб қўйиши ёки юкини ортиб бериши ҳам садақадир. Ширин сўз ҳам садақадир. Намоз сари босган ҳар бир қадами ҳам садақадир. Йўлдан озорни олиб ташлаш ҳам садақадир».**

Муттафақун алайҳ.

Имом Муслимнинг Оиша розияллоҳу анҳудан қилган ривоятларида айтилишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Одам болаларидан барча киши уч юз олтмиш бўғим билан яратилган. Кимки Аллоҳни улуғласа (Аллоҳу акбар, деса), Аллоҳга ҳамд айтса (Алҳамдулиллаҳ, деса), Аллоҳга таҳлил айтса (Ла илаҳа иллаллоҳ, деса), Аллоҳга тасбеҳ айтса (Субҳоналлоҳ, деса), Аллоҳга истиғфор айтса (Астағфируллоҳ, деса) ва кишиларнинг йўлидан тош ёки тикан ё суякка ўхшаш нарсаларни олиб ташласа ҳамда яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтарса, савоби уч юз олтмиштага етиб, ана шу кунда бу киши дўзахдан ўзини узоқ қилиб кечлатибди»**, дедилар.